



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2016-yil, 29-noyabr. Seshanba • 142 (32.201)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Ўзингиз, оилангиз, фарзандларингиз келажаги, Ватан равнақи учун Президент сайловида фаол иштирок этинг!

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
САЙЛОВИГА



5
КУН ҚОЛДИ!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲОЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАГ!



«КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ»

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов қашқадарёлик сайловчилар билан учрашди

Президентликка номзод билан учрашув бўладиган кун эрта тонгда Қашқадарё вилоят партия кенгашига етиб келдим. Сайловни ўтказишга кўмак берувчи штаб шинам хонада жойлашган. Жавонларда ва стол устида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, сиёсий адабиётлар, номзодимизнинг сурати туширилган қоллар, вақтлар, ён дафтар, Достур битилган ихчам китоблар, вақтли матбуот нашрлари намуналари бор. Мен катта стол қаршисида ўтириб, қайдлар битилган дафтаримни

очиб, бир зум фикрларимни жамлойман.

Мамлакатимиз Президентлигига муқобил равишда ўтказилган биринчи сайловдан то ҳозирги вақтгача ўтган даврни таҳлил қилишга уринман. Қанчалик ривожланиш ва янгиликлар кириб келибди ҳаётимизда! Бугунги талабчан сайловчиларнинг хоҳиш-иродаси амалга ошиши учун барча шароитлар яратилган. Очиги, бу сафарги номзодларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида марказий телевидение орқали

берилаётган таъсирчан ва ҳаётий лавҳалар кўпчиликланиб эътиборини қозонди. Ўзим ҳам уларни қизиқиб томоша қилдим. Уларда номзодларнинг ёшлиги, нимоларга интилгани ва эришгани тасвирланмоқда, устозлари, дўстлари, оддий одамларнинг улар ҳақидаги фикрлари сайловчиларга етказилмоқда...

► Давоми 2-бетда.

Евгений СЛОБОДА:

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ҚОНУН ДОИРАСИДА, ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА ОЧИҚ ВА ОШКОРА ЎТМОҚДА

Мамлакатимиз, халқимиз муҳим сиёсий воқеа арафасида турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилади. Шу кунларда бутун дунё нигоҳи Ўзбекистонга қаратилган, десак муболаға бўлмайди.

Ушбу сайловни кузатиш учун халқро кузатувчилар, халқро ташкилотлар вакиллари, етакчи экспертлар мамлакатимизга келмоқда. ЎЗА муҳбири МДХ Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи Евгений СЛОБОДА билан суҳбатлашди.

— Ўзбекистонда Президент сайловида доир қонунчилик асослари тақомиллаштирилиб, фуқароларга енгиллик яратиш мақсадида маълум ўзгариш ва қўшимчалар киритилганидан хабардоримиз, — деди Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи Евгений СЛОБОДА. — 2015 йил декабрда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ сайловда ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари янада аниқлаштирилган. Сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлиб қолган сайловчи муқаддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга бўлди. Қонунда сиёсий партияларнинг сайловда қатнашиши, ўз номзодини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча имкониятлар белгиланди. Президентликка қўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо арақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилари умумий сонининг беш фоизидан бир фоизга қисқартирилди.

Ўзбекистонда ўтган парламент ва Президент сайловларида кузатувчи сифатида қатнашганмиз. Ўзбекистондаги сиёсий тадбирларда аҳолининг фаоллиги тобора ошиб бораётганини кузатишдамиз. Бу уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалишидан далолатдир.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича сайловда ташвиқотлари ўтказилгани, кенг миқёсда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун, унга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, сайлов кампаниясининг мазмун-моҳияти тушунтирилгани, мавзуга оид тарғибот тадбирлари, давра суҳбати, семинар, учрашув ва конференциялар ташкил этилгани, оммавий ахборот воситалари орқали мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар эълон қилиб борилаётгани, турли тарғибот материаллари тарқатилгани алоҳида қайд этмоқчиман. Биргина мисол: сайловда ташвиқотларига доир 100 мингдан ортиқ плакат жамоат жойлари, транспорт воситалари, сайлов участкалари, одамлар гавжум ҳудудларга жойлаштирилган. Оммавий ахборот воситалари томонидан эълон қилинган материаллар ҳам фуқаролар сиёсий маданиятини оширишга ҳисса қўймоқда.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигига алоҳида эътибор қаратилади. Бу ушбу сайлов жараёнида ҳам намоён бўлмоқда. Қаранг, округ сайлов комиссияларининг 152 аъзосидан 56 нафари хотин-қизлардир. Уларнинг 12 нафари сайлов комиссиялари раҳбарлик қилмоқда. Учаска сайлов комиссиялари таркибиде хотин-қизлар 47,4 фоизни ташкил этади. Ўзбек хотин-қизлари сиёсий ҳаётда дунёнинг бошқа қўллаб-қувватлаш ҳавас қилгулик даражада фаол.

Сайловда ташвиқотлари, умуман, сайлов билан боғлиқ жараёнларда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ролини жуда юқори баҳолаймиз. Яқинда Марказий сайлов комиссиясида барча сайлов комиссияси аъзолари иштирокини таъминловчи видеоконференция ташкил этилди. Бу ҳам очкилик ва ошқоралик қарор топтиришдаги энг самарали усуллардан бири. Таъдбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод қўрсатган сиёсий партиялардан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, хорижий давлатлар ва халқро ташкилотлардан кузатувчилар қатнашди. Бошқа томондан, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, етакчи ахборот агентликлари, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзолагани бу йилги сайлов кампаниясини ҳар томонлама ҳолис ёритишда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур йўналишда миллий оммавий ахборот воситалари орқали 10 мингдан ортиқ материаллар эълон қилинган эътиборга молик. Оммавий ахборот воситалари сайловдаги ташвиқотда барча номзодлар учун тенг шароит яратиб, ҳаққонийлик ва холисликни таъминламоқда.

Бир неча вилоятларда, қўллаб-қувватлаш участкалари бўлибди. Кузатувчиларга асосланиб ишонч билан айтишим мумкин, мамлакатимизда сайлов кампанияси қонун доирасида, халқро стандартлар бўйича очик ва ошқора ўтмоқда. Сайловчиларнинг Президентликка номзодларнинг дастури билан танишиши, уларни хоҳлаган номзодга овоз бериши, ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши учун барча шароитлар яратилган.

«Жаҳон» АА,
Исломобод.

ЎЗА муҳбири
С.АЛИЖОНОВА ёзиб олди.

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ!

РОССИЯ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида 2016 йил 28 ноябрь кунин Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов сайловни ёритиш учун мамлакатимизга келган Россиянинг етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Марказий сайлов комиссияси раиси журналистларни сайлов комиссиялари томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирди.

Учрашувда Ўзбекистон давлат бошқаруви тизимида Президентлик институти асосий ўрин тутиши алоҳида таъкидланди. Конституцияда мустақамлаб қўйилганидек, Президент давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг қилишларини ҳолда фаолият юритишнинг ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида риоя этилишининг кафилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонунчиликка 2015 йил декабрь ойида киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сайлов амалиёти янада тақомиллаштиришга, фуқароларнинг сайловда эркин иштирок этиши учун шарт-шароитларни кенгайтиришга, Президентликка номзодларга сайловдаги ташвиқоти даврида кенг ва тенг имкониятлар

яратишга қаратилган.

Сайловнинг очкилиги ва ошқоралигини, журналистларнинг сайлов кампаниясига тааллуқли ахборотлардан кенг фойдаланишини таъминлаш мақсадида Президент сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ва округ сайлов комиссияларининг матбуот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан бугунги кунга қадар сайлов кампаниясининг муҳим босқичларига бағишланган юзга яқин матбуот анжумани ва брифинг ўтказилди. Марказий ва округ сайлов комиссиялари томонидан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 1 минг 306 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди.

Сайлов кампанияси эълон қилинганидан бошлаб шу кунга қадар мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситаларида 15 минг 845 та материал эълон қилинди.

Тадбирда Россия оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА муҳбири.

ЎЗХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти томонидан Республика олимпия захиралари коллежида «Президент сайловида

хотин-қизлар ва ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш» мавзусида тадбир ўтказилди.

ҲАР БИР САЙЛОВЧИ ФАҚАТ ЎЗИ УЧУН ОВОЗ БЕРАДИ

Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирок этди.

Тадбир давомида хотин-қизлар

ва сайловда илк бор иштирок этаётган ёшлар сайлов қонун-қоидалари билан таништирилди. Сайлов кампанияси жараёнида, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, овоз бериш тартиби ҳақида батафсил маълумотлар

берилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод Хатамжон Кетмоновнинг Сайловдаги дастури тарғиб қилинди.

2

Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолияти «Legal Views» газетаси нигоҳида

Покистонда нашр этиладиган «Legal Views» газетасида «Ўзбекистонда сиёсий партиялар: гоёлар, фикрлар ва масалалар кураши» сарлавҳаси остида мақола босилиб чиқди. У Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган Президент сайловлари мавзусига бағишланган.

Мақола мазкур газетанинг бош муҳаррири, Покистон Адвокатлар Ассоциациясининг доимий аъзоси Сафир Хусайн Шоҳ қаламига мансуб. У 2014 ва 2015 йилларда Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент ва Президент сайловларида Покистондан халқро кузатувчи сифатида иштирок этган.

Мақолада қайд этилганидек, мустақил ривожланиш йиллари давомида Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг кенг қамровда

ижтимоий-сиёсий фаолият олиб бориши учун зарур шароитларни таъминлайдиган самарали қонунчилик замини яратилди. Шу билан бирга, сиёсий фикрлар хилма-хиллигини ҳамда амалий кўп партиявийликни изчил ривожлантириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда энг муҳим

устуворликлардан бири ҳисобланиши ҳам газетанларнинг эътиборига ҳавола қилинган.

Покистонлик эксперт маълум қилганидек, ҳозирги пайтда республикада кучли сиёсий партиялар фаолият кўрсатмоқда, улар жамиятдаги турли қатлам ва гуруҳларнинг сиёсий хоҳиш-иродаларини намоён қилишдаги ҳолда демократия асосида сайланган ўз вакиллари орқали мамлакатда давлат ҳокимиятининг шаклланишида иштирок этишмоқда.

Нашр Ўзбекистондаги барча тўрт сиёсий партия — Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар

ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ўз номзодларини илгари сурганини ҳам газетанларга маълум қилган. «Уларнинг ҳар бири электоратнинг хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда давлат ва жамият курилишига оид ўта муҳим масалаларнинг ҳал этилиши юзасидан ўз қарашларига эгадир», деб ёзади «Legal Views».

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ҒОЯЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАН!

■ Меҳнат қилиш, шунга яраша муносиб иш ҳақи олиш
инсоннинг энг устувор ҳуқуқларидан биридир.



САЙЛОВ — 2016

ҲАР БИР
САЙЛОВЧИ
ФАҚАТ ЎЗИ УЧУН
ОВОЗ БЕРАДИ

Феруза ЭШМАТОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Сайлов тизимининг очик-ошкоралигини таъминлаш, фуқаролар ўз ҳоши-иродасини эмин-эркин билдириши учун ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланди. Бу сайлов билан боғлиқ барча тадбирларнинг демократик талабларга мос равишда ўтишига хизмат қилмоқда.

Қонунчилигимизда Президент сайловини ўтказиш тамойиллари аниқ белгиланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш бўйича сайловолди кампаниясида ва овоз беришда ихтиёрий равишда қатнашадилар. Президент сайлови бўйича овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан бевосита амалга оширилади. Фуқароларнинг хоши-ирода билдиришлари устидан назорат этилишига йўл қўйилмайди. Ҳар бир фуқаро битта овозга эга. Яъни, ҳар бир сайловчи фақат ўзи учун овоз беради.

Гулшан АСАТОВА,

ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор
мудир:

— Президент сайловида фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги яна бир бор намоён бўлади. Сайлаш — бу нафақат конституциявий ҳуқуқ, балки юксак фуқаролик масъулияти эканини унутмаслигимиз кераклигидир.

Айтиш керакки, партиямиздан Президентликка номзод Хатамжон Кетмоновнинг сайловолди дастурида аёллар ва ёшлар масалаларига ҳам алоҳида ургу берилган.



Масалан, касб-хунар коллежлари битирувчиларига имтиёзли микрокредитлар тақдим этиш, ўз бизнесини очишда уларга янада қўлай имкониятлар яратиш билан боғлиқ муҳим йўналишлар белгиланган.

Дастурда, шунингдек, иш бериувчиларнинг тегишли ҳудудлардаги касб-хунар коллежларига бириктирилиши ҳамда мунтазам ҳаракатдаги «колледж — корхона» алоқаларини йўлга қўйиш масалаларига эътибор қаратилган. Бу йигит-қизларнинг касб-хунар сирларини пухта ўрганиши, иш жараёнлари ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлиши, тажриба орттиришида муҳим аҳамиятга эга.

Жавоҳир ТУРСУНОВ,

Республика олимия захиралари
коллежи битирувчиси:

— Президент сайловида қатнашиш ҳаётимиздаги унутилмас воқеалардан бири бўлади. Сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларнинг дастурлари билан танишиб бораёман. Сайлов билан боғлиқ қўллаб-қувватлашда иштирок этдим. Бир нарсаси амин бўлдимки, Президентликка номзод бўлиб кўрган номзодимизни мустақил равишда сайлаш, овоз бериш учун ҳамма имкониятлар яратилган.

Президентликка номзодимизнинг аҳоли бандлигини унутилмас тизимини доимий равишда таъминлаштириш бориш юзасидан илгари сурган фикрлари ёшларнинг эътиборидан четда қолмайди, деб ўйлайман. Чунки инсон муқим иш жойига эга бўлса, ўзининг, oilасининг моддий эҳтиёжларини таъминлашга эришади, озу-ошанини рўйга чиқиши учун ҳаракат қилади.

Тадбир савол-жавоб ва очик мулоқот тарзида ўтди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

«КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ»

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов қашқадарёлик
сайловчилар билан учрашди

Мен 1994 йилда партиямиз сафига кирганман. Етакчиларимизнинг сўзларини тинглаб, ҳулосага келишга одатланганман. Эсимда, Хатамжон Абдурахмонович Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси этиб сайлангач, Қашқадарёга бир неча бор келганди. Айниқса, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда партия ташкилотларининг вазифаларига бағишланган тadbир эсимдан чиқмайди. Ушанда тadbирга келган ёшлар, партиямизнинг янги аъзолари, бошланғич ташкилотларнинг етакчилари билан юракдан суҳбат бўлганди. Кўпчилик бу учрашувни эсдан чиқармаган бўлса керак. Партиямизнинг оддий аъзоси сифатида Хатамжон Кетмонов раҳбарликка келган, Марказий Кенгаши, Олий Мажлисидаги фракциямиз фаолиятида сифат ўзгаришлари юзага келгани, ташкилотчилик ва ташаббусга кенг йўл очилгани, депутатларимиз давлат ва халқ тақдирига дахлдор масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этишаётганини севишиб айта оламан...

Сайловчилар билан учрашув «Ўзгеобурғунейтегаз» ташкилотининг мажлислар залида бошланди. Учрашувни ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, шаҳар Кенгашидаги партиямиз гуруҳи раҳбари Рашид Муртазаев олиб борди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган учрашувда вилотнинг барча ҳудудлари сайловчилардан 3000 нафардан зиёд вакил иштирок этди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили — ЎзХДП Қашқадарё вилот кенгаши раиси Олим Раваҳнов сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

— Демократик давлат ва очик фуқаролик жамиятини барпо этиш, бозор муносабатларига асосланган янги иқтисодиётни вужудга келтириш, барча ишхўрларни инсон ва унинг манфаатлари учун, деган ширдан келиб чиққан ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ҳамда бунёдкорлик бораида юртимизда мисли кўрилмаган натижаларга эришилди, — деди Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов. — Халқимиз ва келажақ авлод учун муносиб ҳаёт бунёд этиш йўлидаги вилот ислохотлар Қашқадарё Ҳукумати ҳам ўз ифодасини топан. Воҳанинг тарихимизда тугган ўрни бекиёс. Мустақиллик йилларида Қашқадарё мамлакатимиздаги сановат энг ривожланган ҳудудлардан бирига айланди.

Айниқса, вилотдаги «Шўртангазкимё» мажмуаси, «Шўртангазкимё», «Муборакнефтьгаз» корхоналари, «Муборак газни қайта ишлаш», «Дехқонобод кайилий ўғитлар» заводлари, Талимларжон иссиқлик электр станцияси ва бошқалар мамлакатимиз иқ-

тисодиётида муҳим ўрин тутади. Қашқадарё халқи ажлдорлари каби мард ва танги, матонатли ва бағрикенг, иродаси мустаҳкам инсонлардир. Улар орасида Абдимурод Бозоров, Мухаббат Шаропова, Бурон Рўзиев, Қобил Мўминов ва марҳум Муродилло Саидовларнинг «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлгани бежиз эмас...

Юксак тараққиётнинг ҳаётий тамойили барча номзодларнинг дастурларида акс эттирилган. Шу маънода, партиямиз номзодининг «Биз учун устувор йўналиш, авваламбор, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эътибордан қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади», деган фикри бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳаётий, долзарб, тараққиёт таянчи бўла оладиган қатор вазифаларни бирлаштиради. Масалан, бандлик тизимини олайлик. Энг аввало, меҳнат қилиш ҳуқуқи — инсон учун энг ҳаётий ва ишончли ижтимоий ҳимоя, орзу-истаклари, фарзандлари камолоти йўлидаги тенги йўқ таянч воситасидир. Номзод бу борада ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, барқарор иш ўринлари, молиявий қўллаб-қувватлаш, инвестиция амалларини юзага чиқариш ва бошқа йўналишларда долзарб масалаларнинг ечимини тақлиф қилди.

Давлатимизнинг иқтисодий имкониятлари муттасил ўсиб бормоқда. Ҳали бундан юксак марралар бор. Номзод «Иқтисодий ислохотларга — ижтимоий самарадорлик!» ширини ўртага ташлайди. Партиямизнинг аҳоли харид қобилияти ошиши — иқтисодий тараққиётнинг мустаҳкам асоси, деган ғоясини асослашга ҳаракат қилади. Бу ўринда истиқболли корхоналар тараққиёти, меҳнат ресурсларини кенг жалб этиш, ички бозорни тўлдирish, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бораида оилавий тadbиркорлик ва касаначиликни рағбатлантириш каби йўналишларга катта эътибор қаратилган. Номзоднинг иқтисодиётга «ўрта корхона» тушунчасини киритиш бораидаги тақлифлари ҳам сайловчиларнинг эътиборини тортиди.

Дастурда «Ижтимоий кўмак ташаббускорликка йўл очмоғи даркор!» ғояси асосда ижтимоий адолат, ўз бизнесини очмоқчи бўлганларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳақидаги ва бошқа масалалар далиллаб берилади. Номзоднинг таълим, тиббий хизмат, дори-дармон таъминоти, демократик, ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятини шакллантириш бораидаги мулоҳазалари ҳам учрашув иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди. Шуниси ўзига хос ва эътиборли бўлдики, сўзга чиққанлар ва саволлари билан қатнашган сайловчилар Президент-

ликка номзоднинг дастури моҳияти, устувор йўналишларини очиб беришда фаол иштирок этишди. Яъни, учрашув ниятда жонли, фикр алмашиш тарзида ўтди.

Максуда БОЗОРОВА,
Қарши шаҳридаги
3-оилавий поликлиника
бош шифокори,
вилот Кенгаши депутати:

— Мен шифокор сифатида Президентликка номзод Хатамжон Кетмоновнинг аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаштириш бораидаги тақлифларига тўла қўшилман. Бугунги кунда олис қишлоқ ҳудудларидаги барча врачлик пунктлари тўлиқ жиҳозланган ва малакали шифокорлар билан таъминланган, деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам номзоднинг бу соҳадаги ишларга эътиборни қўйиш, қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш тақлифлари ниятда ўринли. Шунингдек, имтиёзли ва бепул асосда малакали тиббий-

ги кунда коллежимиз «Шўртангазкимё» мажмуаси, «Шўртангазкимё» МЧЖ, «Қашқадарё пармалаш ишлари» ОАЖ, «Косон нефть-газ қудуқларини синаш» ОАЖ, Қарши механик таъмирлаш заводи билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйган. Бу борада номзоднинг «колледж — корхона» тизимини мустаҳкамлаш тақлифлари ҳам жуда долзарбдир.

Жамила ТўРАҚУЛОВА,
Қарши шаҳридаги
29-умумтаълим мактаби
директори:

— Бугунги кунда бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият юритадиган мактабга таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш муҳим вазифадир. Ҳозир вилотимизда 332 шундай таълим маскани мавжуд. Аммо, тан олиш керакки, улар орасида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатаётгани жуда кам. Шунинг учун ҳам ном-

ҳаракати Косон туман бўлимининг етакчи мутахассиси Лазиза Аллаярова ёшлар келажак бораида номзод олға суратган тақлифларни маъқуллашини билдирди.

Сайловчиларнинг саволларига Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов атрафлича жавоб берди.

Лобар РАҲМОНОВА,
Қарши шаҳридаги
6-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси, ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти аъзоси:

— Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда иқтисодиётга давлат аралашувини чеклашга ҳаракат қилинади. Лекин сиз ўз дастуригизда давлатнинг тартибга солувчилик ролини мустаҳкамлаш кераклигини таъкидлаяпсиз. Илтимос, фикрингизни кенгрок тушунтирсангиз...

ЖАВОБ:
— Дастурдаги асосий ширимиз «Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсади-



санитария ёрдамида тартибга солиш бораида қонун ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш ҳам долзарб ҳисобланади. Бундан ташқари, дори воситалари рўйхатидаги дори-дармонларнинг тиббиёт муассасаларида мавжуд бўлиши ва айрим тоифадаги шахсларга имтиёз асосида берилишини таъминлаш, бу масалада давлат ва жамоатчилик назоратини қўйиш ҳам шу куннинг талабидир.

Бахтиёр АШУРОВ,
Қарши сановат коллежи
директори,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган ёшлар
мураббийси:

— Бугунги кунда бизнинг касб-хунар коллежимизда тadbиркорликка қизиқувчан ёшлар кўп. Шу йилнинг ўзида 7 нафар битирувчимиз кредит эвазига ўз бизнесини ташкил этди. Демак, номзодимизнинг касб-хунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли микрокредитлар ажратиш ҳақидаги тақлифлари ҳаёт тақозосидир. Бугун-

ки номзоднинг бундай тарбия масканларини қўйиштириш бораидаги тақлифлари ижтимоий аҳамиятга молик. Шунингдек, ногирон болаларни махсус адабиёт ва қўлланмалар билан таъминлашнинг қамраб оладиган инклюзив таълим тизимини янада ривожлантириш, соҳа ўқитувчиларига имтиёзлар яратиш ҳам зарурий масала. Бу ногирон болаларнинг сифатли таълим олишини кафолатлайди. Шулар қатори жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг олий ўқув юрталарида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтиришга оид тақлифлар ҳам партиямизнинг ғоя ва мақсадларига муштаракдир.

Шундан кейин Шаҳрисабз туман партия кенгашининг раиси, туман Кенгаши депутати Дилшод Ёров видеотасвир орқали номзоднинг суд механизмлари оммабоплигини кенгайтириш, фуқаролар муносабатлари ва суд ҳужжатларини олишнинг электрон тизимини кенг жорий қилиш ҳақидаги ғояларини қўллаб-қувватлашини маълум қилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий

миз!» деб белгиланган. Ҳар бир мамлакатда ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлат асосий вазифани бажаради. Юртимизда эҳтиёжманд фуқароларни қўллаб-қувватлаш бораида катта ишлар олиб боришмоқда.

Мустақиллик йилларида ижтимоий таъминот бўйича самарали тизим яратилди. Лекин ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, ривожланиб боради, одамларнинг муносиб ҳаёт кечирish бўйича эҳтиёжлари муттасил ортади. Шунинг учун дастуриимизда ижтимоий ҳимоя соҳасида давлатнинг тартибга солувчилик ролини мустаҳкамлаш масаласини белгилаб қўйди. Нималарни назарда тутмоқдмиз? Биринчидан, медицина, болалар боғчалари, таълим муассасалари каби етакчи ижтимоий соҳаларнинг тижоратлашувини чеклаш биз учун долзарб ҳисобланади. Иккинчидан, бизнес вакиллари масъулиятини ошириш талаб этилади. Учинчидан, газ, электр ва иссиқлик таъминоти ва бошқа табиий монополия субъектлари хизмати нархлари

давлат томонидан тартибга солиниб турилиши шарт. Тўртинчидан, давлат мулкни хусусийлаштиришдан келадиган маблағларнинг маълум қисмини турар-жой фондини шакллантиришга йўналтириш тақлиф қилинаптиз. Демак, бу вазифаларни бажаришда давлатнинг фаол иштироки лозим.

Отабек АБДУРАҲМОНОВ,
Қарши қурилиш коллежи
директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари:

— Ҳукуматимиз томонидан ҳар йили бир миллионга яқин одам иш билан таъминланмоқда. Уларнинг асосий қисми — ёшлар. Бу борада сизнинг қандай янги тақлифларингиз бор?

ЖАВОБ:
— Сизнинг фикрингизга тўлиқ қўшилман. Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш бораида катта ишлар амалга оширилмоқда. Менинг фикримча, бандлик дастурини қабул қилиш ва ижросини таъминлашда янгича ёндашувларга ўтиш керак. Биринчи навбатда, меҳнат бозоридagi талаб ва тақлифни ҳисобга олиб, ҳудудларни ривожлантириш дастурларини тузиш ва истиқболдаги ривожланиш йўналишларини аниқ белгилаш талаб қилинади. Иккинчидан, ёшларимиз бугун кам ҳақ тўланадиган ишга боришни хошлашмайди. Демак, уларга барқарор ва муносиб иш ўринларини тақлиф этишимиз керак. Бунинг учун юқори технологик тармок корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш лозим. Учинчидан, ўз бизнесини очиш ҳаракатидаги ёшлар кредит олишда сарсон бўлмасликлари шарт. Барқарор иш ўринларини яратётган тadbиркорлик субъектларига имтиёз яратиш, рағбатлантириш мақсадида солиқ тизимини тақомиллаштириш, ушбу масалада қонун ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар киритиш тақлифларини билдираяпмиз.

Номзод, шунингдек, Муборак ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқитувчиси Нодира Умированинг боқимандалик кайфиятини баргараф этиш, Касби туманидаги 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Шоира Турсунованинг фармацевтика корхоналари ва дорихоналар фаолияти устидан давлат назоратини қўйиштириш ҳамда дори воситалари рекламасини чеклаш масалалари ҳақидаги саволларига батафсил жавоб берди.

Учрашувда сўзга чиққанлар Президентликка номзод Хатамжон Кетмоновнинг сайловолди дастурини маъқуллашларини билдириб, учрашув қатнашчиларини сайлов кунини номзодимиз учун овоз беришга даъват этишди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ!

■ Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайловига масъулият билан қарашимиз, унда муносиб
иштирок этишимиз зарур.

«САЙЛОВДА ЎЗ ОВОЗИМ БИЛАН ИШТИРОК ЭТАМАН»




Шафо
ХИКМАТУЛЛАЕВА,
Тошкент давлат
шарқшунослик
институтини
талабаси:

— Мен 19 ёшдаман. Катта орзулар билан ўқияман. Биламан, эртага ўқишни тугатиб, қандай ишлашим, яшашим давлатимиз сиёсати, жамиятда яратилган шароитларга боғлиқ. Мамлакатимиз равнақи қандай бўлиши эса сайловда кимга овоз беришимизга боғлиқ. Президент сайлови ҳар биримизнинг тақдиримизга дахлдор бўлган, муҳим воқеа ҳисобланади.

Бу сайловда мен биринчи марта овоз бераман. Шунинг учун институтимизда сайловга бағишлаб ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этаялман. Ўзимни қизиқтирган саволларга жавоб оламан. Сайлов ҳуқуқи тўғрисидаги тушунчаларим кенгайди. Сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларнинг дастурлари билан танишдим. Уларда ҳаётимизнинг муҳим йўналишлари қамраб олинган.

Сайлов кунини тенгдошларим билан бир сафда туриб, муносиб номзодга овоз бераман.



Ошунжон Ҳакимов,
Ўзбекистон халқ
шоири:

— Сўзимни Яратганга шукроналикдан бошламоқчиман. Ёшим... саксондан ошган бўлса-да, ҳалигача эл-юрт эътиборида, ҳурматида эканам, замонамизнинг тинчлиги, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечираётгани, мамлакатимиз дунёнинг манамен деган давлатларидан кам эмаслиги, ободу мафтуноклигини кўриш, шундай доруломон замонда яшашнинг ўзи катта бахт. Мен тенгилар оғир замонларни бошдан кечирдик. Очиқлиги ҳам, камситишу таҳқирни ҳам кўрдик. Бу гаплар албатта айтилиши керак бўлган, мамлакатимизнинг ҳаёт кечираётгани, мамлакатимиз дунёнинг манамен деган давлатларидан кам эмаслиги, ободу мафтуноклигини кўриш, шундай доруломон замонда яшашнинг ўзи катта бахт. Мен тенгилар оғир замонларни бошдан кечирдик. Очиқлиги ҳам, камситишу таҳқирни ҳам кўрдик. Бу гаплар албатта айтилиши керак бўлган, мамлакатимизнинг ҳаёт кечираётгани, мамлакатимиз дунёнинг манамен деган давлатларидан кам эмаслиги, ободу мафтуноклигини кўриш, шундай доруломон замонда яшашнинг ўзи катта бахт.

йўл танлади, узокни кўлаб чора-тадбир кўрди. Бугунги ютуқлар ана шу доно сиёсатнинг натижаларидир.

Биз мамлакат тақдири, халқ келажаги учун фойда муҳим воқеа — Президент сайлови арафасида турибмиз. Бу оддий сайлов эмас. Эртага ҳаётимиз қандай бўлади, Биринчи Президентимиз олиб борган иқтисодий ислохотлар, ижтимоий ҳимояга асосланган ички сиёсат қандай давом этади, тинчлигимиз қандай таъминланади, ёшларга муносабатчи, буларнинг ҳаммаси биз эртага сайловда кимга овоз беришимизга боғлиқ.

Мен сайловчи сифатида барча номзодлар дастури билан танишиб чиқдим, бизнинг Фарғонада ўтказилган учрашуларда уларнинг нутқларини тингладим ва ўзим учун бир қарорга келдим. Биринчи Президентимиз бошлаган ишларни янги ғоялар, янги ташаббуслар билан бойитиб, мамлакатимиз тараққиётини янада юксалтира оладиган номзодга овоз бераман.

Мен барча юртдошларимни Президент сайловига юксак масъулият билан қарашга ва 4 декабрь кунини сайлов участкасига бориб, халқимиз бахту саодати, юртимиз тараққиёти учун овоз беришга чақираман.



Оролмурзо
САФАРОВ,
Ўзбекистон халқ
хофиси:

— Бу йилги сайловда биринчи марта брайль ёзувидаги сайлов аракалари жорий этилди. Бу янгиликдан жуда хурсанд бўлдим. Эндилкида биз жисмоний имконияти чекланган инсонлар ҳам юртимиз тақдири, оиламиз, фарзандларимиз келажаги учун муносиб, деб билган номзодимизга мустақил овоз бериш имконига эга бўлдик.

Авваллари, кимнингдир ёрдами орқали номзодларнинг дастурлари билан танишардик. Сайлов участкасига бирга борган ақлимизга қайси номзодга овоз беришимизни айтдик, биз учун у овоз берарди. Жорий қилинган янги тартиб мамлакатимизда сайловлар тенгҳуқуқлилик, ҳолислик принциплари, инсоний тамойиллар асосида ўтишини аниглади. Ҳар ким ўз танловини эркин тарзда билдиради.

Жаҳоннинг кўлаб мамлакатларида турли усулларда овоз берилди. Юртимизда сайлов умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаб ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилди. Демак, биз ўз фикримизни мустақил, эркин тарзда билдириш имконига эга бўламиз.

Мен биринчилардан бўлиб сайлов участкасига бориб, ўзим хоҳлаган номзодга овоз бераман.



Ўқутхон
ХОЛБЕКОВА,
Зулфия номидаги
Давлат мукофоти
совриндори:

— Мамлакатимиз тақдири, тараққиётига дахлдор бўлган, барчамизнинг зиммасига улкан масъулият юкловчи муҳим сиёсий санага санокли кунлар қолди. Президент сайлови биз ёшлардан фаоллик ҳамда бирдамликни талаб қилади.

Мана шу муқаддас заминда туғилиб, қамолга етаётганимдан бахтиёрман. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби бўлганим зиммамдаги масъулиятни икки ҳисса оширади. Мамлакатимизда ёшларга яратилаётган имкониятларни хориждан келган меҳмонлар ҳам эътироф этишмоқда. Биз чуқур билим олишимиз, касб ўрганишимиз, ўз истеъдодимизни намоён қилишимиз учун етарли шароит яратилган. Ҳеч кимдан кам бўлмай вояга еттишим.

Келажагимиз қандай бўлиши эса бугун кимга овоз беришимизга боғлиқ. Биз эртага амалга ошадиган бунёдкорликлар учун, фаровон турмуш, тинчлик ва тараққиёт учун овоз берамиз.

— Ўттиз йилдан буён ёшларга таълим-тарбия бериб келялман. Бугунги ёшларга биз фақат ҳавас билан қараймиз. Улар чиндан-да бахтли ёшлар. Чунки тинч-тотув юртда яшапти, барча имкониятлар асосида таълим олишяпти. Мустақиллик йиллари мактаб, лицей ва касб-хуна колледжларининг замонавий бинолари барпо этилди. Олий ўқув юртилари учун ҳам кўлаб янги бинолар қурилди. Бунга бизнинг Қорақалпоғистон ҳам яққол мисол бўла олади.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бера бошлади. Ўзбекистон фарзандлари қайси соҳани олмайлик, ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён қилиб келаяпти. Бу ютуқлар янада мустақамлаштириш керак. Биринчи Президентимиз бошлаган ишлар изчил давом эттирилиши лозим. Бу эса биз қайси номзодга овоз беришимизга боғлиқ. Ким эртага Президент бўлишини бизнинг овозимиз ҳал этади.

Кейин билдим, ҳаётимиз, тақдиримиз, Ватанимиз тараққиёти мамлакат раҳбари кимлигига боғлиқлигини.

Президентлик сайловида қатнашаётган ҳар бир фуқаро бир ҳақиқатни чуқур англаши зарур: сайловда биз ўз келажагимиз учун овоз берамиз. Баъзида «Битта менинг овозим нимани ҳал қилади», қабилидаги гапларни эшитиб қоламиз. Мамлакатимиз Биринчи Президентини бизга ҳамиша дахлдорлик ҳисси билан яшаш зарурлигини уқитарди. Шундан келиб чиқадиган бўлса, ҳар биримизда мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига масъулият билан қарашимиз, унда муносиб иштирок этишимиз зарур, деб ўйлайман.

Ишонаманки, ўзи, оиласи ва Ватанининг эртанги кунига бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаро 4 декабрь кунини юртимиз келажаги учун овоз беради.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА ёзиб олди.



Ҳаётда шундай шахслар бўладики, бутун умрини миллати, ватани озодлиги, халқ тинчлиги йўлида сарфлайди. Уларнинг бу сайъ-ҳаракатлари жаҳон тарихида қолади.

Фидель Кастронинг ҳаёт йўли

Кунини кеча ҳаётдан кўз юмган, салкам ярим аср давомида Куба халқига етакчилик қилган, бутун умрини Куба озодлиги, манфаати йўлида фидо этган Фидель Кастро ҳам дунё тарихида ўзига хос из қолдирган давлат арбоби сифатида маълум машҳур эди.

У 1926 йилнинг 25 ноябрь санасида оғир касалликдан сўнг вафот этди. Мамлакатда 9 кунлик мотам эълон қилинди. Кастро билан хайрлаш маросими Гаванадаги Хосе Марти мемориал марказида бўлиб ўтиши маълум қилинди.

Унинг тулқини Фидель Алехандро Кастро Рус, у 1926 йилнинг 13 август кунини Кубанинг Орьенте провинциясида туғилган.

Фидель Кастронинг ҳаёти осон кечмаган, фақат курашлардан иборат бўлган. Унинг танлаган йўлига қаршилар кўп эди. Бироқ у ўз ғояларига бир умр содиқ қолди. У Куба Вазирлар Маҳкамаси Раиси (1959-2008), Куба Давлат кенгаши Раиси (1976-2008) ва Куба Коммунистик партияси Марказий Кенгаши Биринчи котиби (1961-2011) лавозимларида фаолият кўрсатган. Унинг раҳбарлик даврида мамлакатда бир қатор ислохотлар ўтказилган.

Катта ер эгасининг ўғли бўлган Кастро Гавана университетининг ҳуқуқшунослик факультетида ўқиб юрган вақтида унда давлат тузумини ўзгартириш ғояси пайдо бўлади. Бунинг сабаби ўша пайтларда Кубада бир неча бор давлат тўнтаришлари уюштирилган бўлиб, ҳаёт барқарор эмасди.

Кастро давлатни эгаллашга 1953 йилда илк бор ҳаракат қилиб кўради. Унинг нияти амалга ошмай қолди ва қамалди. Бир йилдан сўнг озодликка чиққан Фидель Кастро Мексикага йўл олади.

Кастронинг тарафдорлари унинг социал қарашларини, инсонпарварликка йўғрилган сиёсатини юқори баҳолаб эди. Айниқса, унинг Куба мустақиллигини мустақамлаштириш йўлидаги ҳаракатлари кўпчиликнинг эътиборини тортган. 1959 йилда у давлат раҳбари бўлади. У ўзининг жаҳонга, қатъий иродаси, Ватанига содиқлиги билан дунёнинг энг машҳур шахсларидан бирига айланади.

— Мен ер эгаси оиласида туғилганман. Бу нима дегани? Менинг отам испаниялик бўлиб, жуда камбағал оила вакили бўлган. У XX аср бошида Кубага мухожир сифатида келган ва жуда қийин шароитларда ишлаган, яшаган. Вақт ўтиб у қурилиш ишларида бошқарувчи вазифасида фаолият кўрсата бошлаган. Отаманда пул йиғиш имкони бўлган ва у йиққанлари эвазига ер сотиб олган», — дея болалигини эслаган Фидель Кастро.

Фиделнинг ота-онаси маълумотли одамлар бўлишмаган. Шунинг

учун ҳам улар фарзандларини билимли бўлишига ҳаракат қилишган. Мактаб даврида Фидель Кастро ўзининг ажойиб хотираси туфайли тенгдошлари ўртасида ажралиб турган. 1945 йилда Гавана университетининг ҳуқуқшунослик факультетида ўқишга кирган. 1950 йилда бакалавр йўналишини тамомлаб, инсон ҳуқуқлари бўйича докторлик даражасини қўлга киритган. Шундан сўнг у Гаванада шахсий адвокат бўлиб ишлайди. У камбағалларга бепул хизмат кўрсатарди. Ана шу фаилати билан унинг номи машҳур бўлади.

1940 йилда 14 ёшли Фидель АКШнинг ўша пайтдаги президенти Франклин Рузвельтга хат ёзади. Ўз хатида ўсири президентни унинг муддатга сайлангани билан табриқлайди ва «Агар сизга қийин бўлмаса, менга Американинг 10 долларлик банкнотини жўнатсангиз. Мен уни ҳеч қачон кўрмаганман. Бироқ ўзимда бўлишини истайман. Сизнинг дўстингиз», — деб ёзади. Манзил ўрнида у мактабининг кўрсатади. Ўша кунларни у шундай эслайди: «Президент маъмуриятдан хат олганимда жуда ҳам фахрланганман. Хатни хатто мактабининг эълонлар тахтасига осиб қўйишганди. Фақат унда банкнот йўқ эди».

2004 йилда ёш Фиделнинг хати Вашингтондаги Миллий архив бошқармаси ходимлари томонидан топилди.

1963 йилда Фидель Кастро Ўзбекистонга келади. Уни Тошкентда мингларча одамлар тантанали кутиб олади. Сафари давомида Кастро афсонавий Самарқандга ҳам боради. У бу тарихий шаҳарда қўрғонларини узоқ вақт эслаб, гапириб юради.

Унинг Фарғонада трактор рулини бошқарётган пайтда тушган сурати шу кунларда интернетдан фойдаланувчилар томонидан энг кўп қидириладиган суратлардан бири ҳисобланади.

2006 йилнинг 31 июль кунини Фидель Кастро соғлиги ёмонлашгани сабабли давлат бошқарувини ўқаси Раулга топширади. 2008 йилнинг 24 февраль санасида эгаллаб турган барча лавозимларидан кетади, 2011 йилга келиб партия раҳбарлигидан ҳам истеъфого чиқади.

2016 йилнинг 13 августидан Кубада Фидель Кастронинг 90 йиллиги кенг нишонланган. Ўша кунини кенг пайт у театр биносидан ўтказилган тадбирда қатнашган.

Хулоса сифатида шунини айтиш керакки, Фидель Кастро Ўзбекистон билан илиқ хотиралар боғлаб турарди. У ҳар доим Ўзбекистон ва Куба ўртасидаги дўстона муносабатларини мустақамлаш, ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат тарафдори бўлиб келган.

Темур АбЗАМ
тайёрлади.

ЭЪЛОН

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши 250 грамм (кис-талла) қоғоз сумка тайёрлаш бўйича танлов эълон қилади.

Корхона ва ташкилотлар бу борадаги тижорат тақлифларини Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига 2016 йилнинг 8 декабрь кунига қадар юборишлари сўралади.

Манзил: 100029 Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони кўчаси, 5/3-уй.

Телефон: (0-371) 239-18-49; 239-83-12; 239-15-74

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши иссиқ сув ҳисоблагичи ечиш, сертифицирлаш ва қайта ўрнатилиш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этмоқчи бўлган корхона ва ташкилотлар ўз тижорат тақлифларини Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига 2016 йилнинг 8 декабрь кунига қадар юборишлари сўралади.

Манзил: 100029 Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони кўчаси, 5/3-уй.

Телефон: (0-371) 239-18-49; 239-83-12; 239-15-74

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ!

■ «Биз кексаларимизнинг фаровон ҳаёти
учун масъулмиз!»

ХАТАМЖОН КЕТМОНОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!



ҲАР БИР ИНСОН УЧУН МУНОСИБ ИШ ЎРНИ!

Россия олий ўқув юртида бўлиб ўтган тадбир Ўзбекистонда Президент сайловлари мавзусига бағишланди

Россия халқлар дўстлиги университетида жорий йил 4 декабрь кuni Ўзбекистонда ўтказиладиган Президент сайловларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг Москвадаги дипломатия ваколатхонаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Россия халқлар дўстлиги университетида тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этди. Улар республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган муҳим воқеаларга доир атофлиҳа маълумотлар билан танишдилар. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўладиган навбатдан ташқари сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш юзасидан қўрилатган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда сузга чиққанлар сайлов жараёнида очкилик, ошқоралик ва шаффофлик тамойиллари таъминланиши борасидаги сай-ҳаракатларга атофлиҳа тўхталдилар. Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонунга мувофиқ, сайлов комиссиялари ўз фаолияти юзасидан фуқароларни

хабардор этишади, сайловчилар ва унда иштирок этаётган сиёсий партиялар рўйхатини, Президентликка номзодлар ҳақидаги маълумотларни тақдим этади.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонаси ҳузурида 26-сайлов участкаси ташкил этилгани маълум қилинар экан, Россия олий ўқув юртида тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар ҳамда Россия ҳудудида бўлиб турган мамлакатимиз фуқаролари олдига турган сайловга оид барча маълумотлар билан танишишлари ва шу йил 4 декабрь кuni ташкил этиладиган овоз беришда қатнашишлари учун ҳамма шароитлар яратилгани билдирилди.

Шунингдек, брифинг иштирокчилари давлат раҳбари лавозимига номзодларнинг сайловолди ташвиқотининг олиб борилиши қоидалари, сайлов жараёнида очкилик ва ошқоралик таъминланишида оммавий ахборот воситалари тутадиган ўрин ҳақидаги маълумотлар билан ҳам яқиндан танишдилар.

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистонда олданда турган сайловлар юксак ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техникавий даражада, очкилик, ошқоралик ва шаффофлик

тамоийилларига мувофиқ равишда ўтиши учун барча зарур шароитлар яратилгани юзасидан яқдил фикр билдиришар экан, бу, ўз навбатида, мамлакатимизда демократик ислохотларнинг янада чуқурлашишида муҳим омил бўлишини таъкидладилар.

Хусусан, Россия халқлар дўстлиги университетининг 3-босқич талабаси Мухаммад Ҳамидов ўз чиқишида бундай ахборот тадбирларининг ўтказилиши Ватанимиз ҳудудидан ташқарида бўлган ёшлар учун жуда фойдали ва зарур эканлигини қайд этди. «Биз бугунги учрашув чоғида Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида ҳаётга таъбиқ этилаётган ислохотларга оид зарур маълумотларни олдик. Биз ўқишимизни тезроқ тамомлашни ва ўз уйимизга қайтишни, мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссамизни қўлишни истаймиз. Давлатимиз раҳбари лавозимига сайловлар биз учун ва бизнинг келажагимиз учун катта аҳамиятга эга. Шу боис биз 4 декабрь кuni бўлиб ўтадиган ушбу муҳим сиёсий тадбирда фаол қатнашамиз», деди у.

«Жаҳон» АА,
Москва.

■ РЕКЛАМА ЎРНИДА

«АГРОБАНК» АТБ КРЕДИТЛАРИ

ишлаб чиқаришни ривожлантиришга,
янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда **AGROBANK**



«Агробанк»нинг Сурхондарё вилоят бошқармаси қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш билан биргаликда юқори сифатли, рақобатбардosh маҳсулот ишлаб чиқариш йўлида изланаётган юртдошларимизга кенг турдаги банк хизматлари кўрсатмоқда.

Чунончи, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, молия муассасаси томонидан 320 миллиард сўмга яқин кредитлар ажратилган.

Мавлуда ХАЛИЛОВА,
якка тартибдаги тадбиркор:

— Аҳолининг қандалат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида бизнес-режа ишлаб чиқдим ва уни «Агробанк»нинг Узун филиалига тақдим этдим. Менинг лойиҳам банк томонидан ўрганиб чиқилди ва 26 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди.

Банк сармоiasi ҳисобидан ишни бошлаб юбордим. Айни пайтда икки кишини иш билан таъминладим. Яқин келажақда фаолиятимни янада кенгайтириш орқали қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштиряпман. Энг катта ниятларимдан бири ишлаб чиқараётган маҳсулотимизни чет элга экспорт қилиш. Бунда менга албатта «Агробанк» кўмак беради.

Жаҳонгир АЛИБЕКОВ,
«Муштарий» МЧЖ раҳбари:

— Бизнинг корхона «Агробанк»нинг Термиз филиали билан 2008 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Сўнгги пайтларда аҳолининг товуқ гўшти ва тухум маҳсулотларига бўлган талаби ортиб бораётганини инобатга олиб, музлаткичи



Хизматлар лицензияланган.

омборхона ва жўжа очиритиш (инкубация) ускуналарини сотиб олиш учун бизнес-режа ишлаб чиқиб, «Агробанк»нинг Термиз филиалига тақдим этдим. Улар лойиҳамизни кўриб чиқиб, бизга 390 миллион сўм кредит маблағи ажратди.

Бугунги кунда 7 кишини иш билан таъминладик. Ҳозирда фаолиятимизни янада кенгайтириш юзасидан янги режалар тузаяпмиз. Мақсадларимиз амалга ошса, қўшимча янги иш ўринлари яратиш имконияти пайдо бўлади.

Фарҳод ШОЕВ,
«Мунаввар Давр қурилиш» МЧЖ раҳбари:

— Жамиятимиз «Агробанк»нинг Сариосиё филиалида 2012 йилда ўз ҳисоб рақамини очган эди. Ушандан буён бир-биримизга бўлган ишонч мустақамланиб, ҳамкорликда бир

қатор ишларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Истиқлол йилларида юртимизда бунёдкорлик ишлари бир лаҳза бўлсин тўхтагани йўқ. Шуни инобатга олиб, шлокаблок тайёрлаш мақсадида бизнес-режа ишлаб чиқдик ва «Агробанк»нинг Сариосиё филиалига тақдим этдик. Банк мутасаддилари лойиҳамизни ўрганиб чиқди ҳамда бизга 100 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратди.

Ишларимиз юришиб кетди. 5 киши иш билан таъминланди. Келгусида «Агробанк» билан алоқаларимизни янада ривожлантириш ниятидамиз...

«Агробанк» ҳамкорларининг билдирган фикрларидан ҳам кўриниб турибдики, мазкур банкнинг барча филиалларида миҳозлар манфаати биринчи ўринга қўйилган.

«Агробанк» матбуот хизмати.

СПОРТ

Жаҳон шоҳмат тожи

учун ҳал қилувчи баҳслар
давом этмоқда

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида жаҳон шоҳмат тожи учун давом этаётган мурасасиз баҳслар шу йилнинг 11 ноябрида бошланганди. Бугун бутун дунё шоҳмат ихлосмандларининг нигоҳи қаратилган ушбу учрашувларнинг охири партияси ўйналади.

Амалдаги жаҳон чемпиони норвегиялик Магнус Карлсен ва давояғор россиялик Сергей Карякин ўртасида бораётган бу матчининг совири жамғармаси 1 миллион еврога ташкил қилади.

Ўн биринчи партияда ҳам томонлар муроса йўлини танлашди. Сўнгги партия олдидан дураг қайд этилди. Умумий ҳисоб — 5,5:5,5.

Агар ўн иккинчи учрашувда дураг натижа қайд этилса, 30 ноябрь кuni тай-брейк учрашуви ўтказилади.

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида юнон-рум ва эркин кураш бўйича Олтин Гран-при туркумидаги халқро турнир бўлиб ўтди. Мусобақада мураббийларимиз асосан ёш ва умидли полвонларимизга ишонч билдиришган эди.

Халқаро турнир

Унда ҳамюртимиз Феруз Тўхтаев (59 кг) юнон-рум кураши бўйича финалгача барча рақибларини мағлубиятга учратди. Саралаш беллашувларида хиндистонлик Гаурав Шармани 8:0, озарбайжонлик Карим Жаъфаровни 6:3 ҳисобида енгди. Ярим финалда россиялик Мингиян Семёнов устидан зафар кўчди.

Олтин медаль учун бўлган беллашувда Феруз Тўхтаев япониялик Кеничио Фумитога кичик фарқ билан (4:5) ютқазиб, шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

МУАССИС:

Бosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Rustam KAMILOV

Ochilboy RAMATOV

Tat'yana KISTANOVA

Saidkamol XODJAYEV

Saidahmad RAHIMOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159

9867

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21:00

Topshirilgan vaqt — 01:10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Abdusolim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI